

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Микрокредитбанк” АТБ
Хоразм вилояти филиали
бошқарувчиси



 3. Хасанов

2022 й.

**“Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти Янгибозар БХМ ни
таъмирлаш ва жихозлаш ишлари**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи: “Микрокредитбанк” АТБ
Урганч шаҳар – 2022 й.**

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Танлаш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлаш предмети: **“Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти филиали Янгибозар БХМ ни таъмирлаш ва жихозлаш ишлари**

1.3. Танлашнинг максимал қиймати 197 890 378 *(бир юз тўқсон етти миллион саккиз юз туксон минг уч юз етмиш саккиз) сўмни ташкил қилади.*

1.4. Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юқори бўлмаслиги керак.

1.5. “Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти филиали Янгибозар БХМ ни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ташкилотни аниқлаш мезонлари техник топшириқда келтирилган. Танлаш комиссияси йиғилиши шакли – электрон портал орқали.

2. Танлаш ташкилотчиси

2.1. “Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти филиали танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда буюртмачи) ҳисобланади.

2.2. Ташкилотнинг мулоқот қилувчи шахси: Х. Искандаров

2.3. Телефон рақами: (+99894) 114-42-60

2.4. Танлаш буюртмачи томонидан ташкил қилинган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.

2.5. Танлаш комиссияси буюртмачининг ишчи органи ҳисобланади.

2.6. Буюртмачининг манзили: 220100, Урганч шаҳар, А.Кодирий кўчаси, 2 А-уй.

3. Танлаш иштирокчилари

3.1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидларини бажариш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон

Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ёки юридик шахслар харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (кейинги ўринларда – иштирокчи) бўлиши мумкин (4.2-бандда келтирилган талабгорлар бундан мустасно).

4. Танлаш шартлари

4.1. Танлашда иштирок этиш учун, танлаш иштирокчиси қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);

б) танлаш ҳужжатлари шартларига мувофиқ танлаш ҳужжатларини топшириш.

4.2. Қўйидагиларнинг танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил қилиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган юридик шахслар;

- буюртмачи билан судда ёки ҳакамлик судида низолашган/низолашаётган шахслар;

- ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган шахслар;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд шахслар;

- оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва/ёки банк ҳисобварақларига эга бўлган шахслар.

4.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

- танлов ҳужжатларидаги қурилиш физик ҳажмларини баҳоламасдан яъни иштирокчи ҳисоб китоб қилмасдан, баҳоланган иш ҳажмларини тасдиқланган ҳолда электрон тарзда киритмаса.

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирор-бир танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

- иштирокчи адолатсиз танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5. Танлаш тили

5.1. Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида бўлиши керак.

5.2. Иштирокчи томонидан бошқа тилда тақдим қилинган ҳужжатларга давлат тилидаги ёки, Буюртмачи билан келишган ҳолда, рус тилидаги таржимаси илова қилиниши лозим.

6. Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

6.1. Иштирокчилар танлаш ҳужжатларини ўз ичига олган ўз танлаш таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон кўринишда ўзларининг шахсий кабинетлари орқали кўрсатилган муддатдан кечиктирмай электрон порталдаги буюртмачининг шахсий кабинетига тақдим қилади.

6.2. Иштирокчилар ўз танлаш таклифларини махсус ахборот портали оператори томонидан белгиланган форматда тақдим этади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

6.3. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштириши мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар таклиф бериш жараёнида бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан мос келиши шарт.

6.4. Танлаш иштирокчиси:

тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун масъул ҳисобланади;

тақдим қилинган таклифни, бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

6.5. Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади:

хизматнинг номланиши;

хизмат кўрсатиш қиймати;

яқуний сумма;

тўлов шартлари;

таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.к.

6.6. Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

6.7. Ишчи орган танлаш ҳужжатларининг ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилганлиги учун масъул ҳисобланади.

6.8. Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.

6.9. Иштирокчи буюртмачига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров

буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни ичида танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

7. Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш

7.1. Зарур ҳолларда, буюртмачи Қонунда белгиланган тартибда танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига танлаш комиссияси қарорига кўра таклифларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

7.2. Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади ва бошқа ОАВда эълон қилиниши мумкин.

8. Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш

8.1. Зарур ҳолларда буюртмачи танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор танлаш таклифларини тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.

Танлаш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида товар (иш, хизматлар) ёки унинг тавсифи ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилганда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади.

Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

9. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш мезонлари

9.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлаш таклифларини бериш якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

9.2. Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Танлаш таклифининг техник қисмининг миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган мезонларини (эксперт мезонларини) баҳолаш ҳамда бошқа иштирокчиларнинг танлаш таклифлари билан таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

9.3. Танлаш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

9.4. Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди;

икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил нарх таклиф қилган бўлса, танлаш таклифини барчадан олдин юборган иштирокчи ғолиб деб топилади.

9.5. Иштирокчилар томонидан берилган таклиф Қонун ва танлаш

ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.

9.6. Таклифни берган иштирокчи Қонун ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлаш иштирокчисининг таклифи танлаш ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, танлаш комиссияси танлаш таклифини рад этади.

9.7. Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу сўров расмий равишда, ёзма шаклда танлаш иштирокчилари орасида ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирор-бир ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

9.8. Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топилади.

9.9. Танлашнинг резидент ва норезидент иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.

9.10. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади, шунингдек баённома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида ундан кўчирма махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

9.11. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасидан кўчирма махсус ахборот порталида жойлаштирилгандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайдан бошлаб уч иш куни ичида буюртмачи танлаш иштирокчисига

тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.

10. Томонлар масъулияти ва махфийликка риоя қилиш

10.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:

харид комиссияси котиби келиб тушаётган танлаш таклифлари ҳисобини юритиш, уларнинг бутлиги ва махфийлигини таъминлаш учун;

комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлаш таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун;

шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган танлаш ғолиби.

11. Бошқа шартлар

11.1. Қуйидаги ҳолларда харид комиссияси танлашни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаши мумкин:

танлашда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;

таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни харид ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

11.2. Харид комиссияси томонидан танлаш бўлиб ўтмаган деб ҳисобланган ҳолларда Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиш ёхуд электрон дўкон ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

11.3. Танлаш ғолиби деб топилган иштирокчининг таклифи акцептигача буюртмачи исталган пайтда танлашни бекор қилиши мумкин.

Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асослангилган сабабларини эълон қилади.

12. Шартомани тузиш

12.1. Танлаш натижалари бўйича танлаш ғолиби билан шартнома тузилади. Шартномада танлаш ғолиби томонидан тақдим қилинган танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартлар акс эттирилиши лозим.

12.2. Харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.

12.3. Танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлаш ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

II. ТЕХНИК ШАРТЛАР:

“Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти филиали Янгибозар БХМ ни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича танлаш иштирокчиларига қўйилган ТАЛАБЛАР

Т/р	Иштирокчилар учун талаблар	Талаблар қиймати
1.	Корхона тўғрисида умумий маълумот бериши керак.	Матнли
2.	Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.	Матнли
3.	Корхонага нисбатан банкротлик таомили киритилмаган бўлиши лозим.	Матнли
4.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги лозим.	Матнли
5.	Асосий ҳисобрақами мавжуд банкдан ҳужжатларни тақдим этиш санасига ҳисобрақамига тақиқ қўйилмаганлиги ва ҳисобрақами ҳаракатда эканлиги, банкдан муддати ўтган қарздорлиги ҳамда бошқа қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома	Матнли
6.	Танлов предменти қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги банк маълумотномаси	Матнли
7.	Иш тажрибаси 5 (беш) йилдан кам бўлмаган ташкилотлар.	Матнли
8.	Охирги 3 йилги тасдиқланган қурилиш ишларини қабул қилиш далолатномалари.	Матнли
9.	Корхона ҚҚС тўловчиси булиши шарт	Матнли
10.	Таъмирланадиган объектни кўздан кечириш далолатномаси бир нафар банк мутахассиси (масъул) иштироқида.	Матнли
11	Катнашаётган ташкилот ва корхоналар объект бўйича урнатилган тартиб асосида ҳисоб-китобларни, физик хажмларни баҳолаш офёртаси	Матнли

РАСЧЕТНАЯ СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ.

АТБ=МИКРОКРЕДИТБАНК= ХОРАЗМ МИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ ЯНГИБОЗОР РАЙОН БАНК

ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ

№/П П/П	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	Цена (тыс.с/м)
1	2	3
1	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 2%	106 441,753
2	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 4%	41 876,282
3	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ (18882,76 сум)	13 884,608
4	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРОБОТНОЙ ПЛАТЫ МАШИНИСТОВ)	587,427
5	ПРОЧНЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - 0%	0,000
6	ПРОЧНЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА -15,51%	8 739,624
7	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ - 0,32%	548,895
8	ЗАТРАТЫ ДЛЯ УЧЕТА КОЭФФИЦИЕНТА РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМОГО ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ	1,00
9	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ	172 078,559
10	НДС - 15%	25 811,788
11	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С УЧЕТОМ НДС	197 890,348
12	ПРОЧНЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА -ФАКТ	2 968,356
13	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС И ПРОЧИМИ ЗАТРАТАМИ И РАСХОДАМИ ЗАКАЗЧИКА	200 858,703



[Handwritten signature]
МИТ

[Handwritten signature]

“Микрокредитбанк” АТБнинг Харид комиссияси томонидан танлаш иштирокчиларига қўйилган тахминий баҳолар

Т/р	Талаб номи	Иштирокчиларга қўйилган баллар			Комиссия аъзолари					
		1-иштирокчи	2-иштирокчи	3-иштирокчи	<i>Комиссия раиси</i>	<i>Комиссия аъзоси</i>	<i>Комиссия аъзоси</i>	<i>Комиссия аъзоси</i>	<i>Комиссия аъзоси</i>	<i>Комиссия аъзоси</i>
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										

Танлашнинг техник-малака қисми- 90 %

Танлашнинг нарх қисми- 10 %

III. НАРХГА ОИД ҚИСМИ

1. Танлаш нархи:

№	Ишнинг номланиши	Асосий воситалар сони	Энг юқори нархи	Бажариш муддати
1	“Микрокредитбанк” АТБ Хоразм вилояти филиали Янгибозар БХМ биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш.		197 890 378 сўм ҚҚС билан	15 кун

1. Молиялаштириш манбаи: “Микрокредитбанк” АТБнинг ўз маблағлари.
2. Тўлов шартлари: 30 фоизи олдиндан тўланади, қолган қисми иш бажаргандан сўнг ишларни қабул қилиш далолатномаси асосида.
3. Тўлов валютаси: сўм.
4. Танлаш савдолари муддати: 5 кун.

Ф. Аллаберганов

Ж. Ибодуллаев

Комиссия котиби



Х. Искандаров